


2017-2018 йиллар якунларига кўра Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг асосий фаолияти бўйича кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий маълумот.

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 йил якунига кўра амалда	2018 йил якунига кўра амалда	2017 йилга нисбатан (%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	2036,2	3173,2	155,8
	шу жумладан:				
1	Инвестиция дастури бўйича	млрд.сўм	617,7	857,9	138,9
		км	264,4	281,5	106,5
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	222,2	391,9,6	176,4
		км	140,0	145,3	103,8
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш	млрд.сўм	367,8	380,5	103,8
		км	3240,4	3245,6	100,2
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларида жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	828,5	1542,9	186,2
		км	2858,0	3252,0	113,8
5	Саноат ишлаб чиқариш хажми	млрд.сўм	365,5	380,5	104,1
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	331	1366	412,7
7	Қора металл чиқиндиларини топшириш	тонна	15970,0	15981,0	100,1

Қўмитатизимидаги корхона ва ташкилотларда 2018 йил давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 857,9 млрд.сўмлик куриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг 2018 йилга нисбатан 138,9фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 391,9 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 176,4фоизни ташкил қилади.


2017-2018 йилларнинг якунларига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг тақослама диаграммаси



2018 йил якуни бўйича Республикамиздаги 3245,6км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 194,1 км, Андижонда 323,5 км, Бухорода 222,3 км, Жиззахда 186,1 км, Қашқадарёда 327,0 км, Навоийда 193,2 км, Наманганда 270,2 км, Самарқандда 311,1 км, Сурхандарёда 371,1 км, Сирдарёда 185,7 км Тошкент вилоятида 185,4 км, Фарғонада 267,6 км, Хоразмда 128,2км ҳамда Тошкент шаҳрида 70,2км минтақавий автомобиль йўлларида

таъмирлашишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўлқўйилмаган.

2018йил якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги диаграмма)



2018 йилда Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695км узунликдаги йўллардан 1542,9кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яшиланди. Бу эса 2017 йилига қараганда 186,2 фоизни ташкил этади.

Қўмита тизимидаги корхонлар томонидан 2018 йилда 380,5 млрд.сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 104,1 % ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йилда 1366 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2017 йилининг мосравишдаги тегишли даврига қараганда қарийб тўрт барабар ортиб, 413,0 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топширишкўрсаткичи 2018 йилда 15981 тонна иташкил этади. Бу қарийб ўтган йилгидаражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йилда – умумий бажарилган ишлар хажми – 3173,2 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан бир яримбаравардан зиёдга ошиб, 155,8 % иташкил этганлигини кўрсатади.